

The cover features a decorative graphic consisting of three overlapping blue circles of varying sizes, arranged in a descending diagonal line from the top right towards the center. Two thin blue lines intersect at the top left corner, forming a large 'V' shape that frames the central text area. The circles are composed of concentric layers of different shades of blue, creating a 3D effect.

ЁШ ДАВРЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ

Маърузалар матни

Термиз-2008

«ТАСДИ+ЛАЙМАН»
Психология кафедраси мудири
_____доц. Норбошева М.О
«__» _____ 2008 йил

ЁШ ДАВРЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ

**фанидан
(Маърузалар матни)**

Ушбу маърузалар матни Психология кафедрасининг 2008 йил 27 август кундаги 1-йиғилишда мушокама этилган ва Факультет Илмий Кенгашининг 27.08.2008 даги 1-сонли +арори билан фойдаланиш учун тавсия этилган.

Тузувчи:

Ўқит. Раджабова М

1-мавзу: Ёш даврлари ва педагогик психология фанининг предмети ва вазифалари

Мамлакатимизда қабул қилинган «Таълим ҳақидаги қонун», ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», мактабда таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишга, баркамол шахсни камол топтиришга қаратилган. Бу долзарб вазифани амалга ошириш, мактабда таълим тарбия жараёнини тўғри илмий асосда ташкил этишни талаб қилади. Бунинг учун эса талаб жараёнини ва бола шахсини тараққиётнинг ўзига хос психологик қонуниятларини яхши билиш керак бўлади.

Бола жамиятнинг аъзоси, мукамал шахс сифатида муайян ижтимоий муҳитда камол топар экан, бутун билиш жараёнлари ўзига хос хусусиятлари ва рухий ҳолатлари, онги щам ривожланади. Ана шу ривожланиш натижасида унинг психологик онги гўдакнинг дастлабки оддий акс эттириш (инъикос) тарзидаги содда онгидан балоғатга етган инсонларга хос теварак-

атрофни, борлиқни, одамларни аниқ, яққол тўла ва англаб акс эттириш даражасигача ривожланади. Шар бир фаннинг ўз предмети бўлгани сингари педагогик ва ёш даврлар психологияси фанининг ҳам ўз предмети бор. Агар умумий психология психика ҳақидаги психиканинг зохир бўлиши ва тарққиёт қонуниятлари ҳақидаги фан бўлса, педагогик ва ёш даврлар психологияси турли ёшдаги болаларнинг ўқиш фаолиятини, шунингдек педагогиканинг ўқитиш жараёнида, уларнинг психик тарққиёти ва психологик хусусиятлари ҳақидаги фан педагогик ва ёш психологияни болаларнинг феъл-атворларини ва умуман уларнинг шахсини камол топтирадиган шарт-шароитларини ҳам ўрганади.

Ёш даврлари психологияси ва педагогик психология фанлари муштарак, бир-бирига узвий боғлиқдир, чунки уларнинг шар иккиси битта умумий жараёни-улғайиб бораётган инсоннинг психик фаолияти ҳамда унинг шулқ-атворини тадқиқ этади. Бироқ, шундай бўлса-да, бу икки фаол психология илмининг мустақил соҳалари ҳисобланиб, уларнинг шар бири ўз предмети ва тадқиқот вазифаларига эгадир.

Ёш даврлари психологияси онтогенездаги турли ёш даврлари психик тарққиётининг умумий қонуниятларини, психик ривожланиши ҳамда психологик хусусиятларни ўрганади.

Онтогенез-(юнонча, ontos-мавжуд, жон зот; genezis- келиб чиқиш, пайдо бўлиш)-индивиднинг пайдо бўлишидан умрининг охиригача психик ривожланиш жараёни.

Ёшнинг улғайиб бориши, психик жараёнларнинг инсон ривожланишидаги қонуниятлари, ундаги етакчи омиллар ҳамда инсон шаёт йўлининг турли босқичларида унинг шахсига хос хусусиятлар ёш даврлари психология фанининг тадқиқот предмети ҳисобланади. Маълумки, шахс таркиб топиш жараёнининг психологик қонуниятларини, унинг илмий асосларини мукамал билмай туриб, таълим ва тарбиянинг назарий ҳамда амалий масалаларини муваффақиятли шал этиб бўлмайди. Ёш даврлар психология фани бу борада ҳам ўзига тегишли масалаларни тор экспериментал равишда ўрганиш билан чекланиб қолмай, балки ўз муаммоларини инсон шаёти ва фаолиятининг табиий шароитларида болага бериладиган таълим ва тарбиянинг мазмун ва мощиятидан келиб чиққан шолда ўрганса, янада муваффақиятли ривожланиши.

Шозирги вақтда педагогик психологиянинг муштим вазифаларидан бири-мактабдаги таълим жараёнини янада такомиллаштиришнинг психологик асосларини ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, бу шол янги таълим дастурига ўтиш муносабати билан боғлиқдир. Педагогик психология шу билан бирга ўқувчилар шахсининг таркиб топиш жараёнини турли тарбиявий тадбирларнинг ўқувчиларга кўрсатадиган таъсирини ўрганади ҳамда ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялашнинг психологик асосларини тадқиқ этади.

Шунингдек, «Педагогик-психология» таълим ва тарбия жараёнининг ташкилотчиси бўлган ўқитувчи шахсини, унинг педагогик фаолият хусусиятларини ҳам ўрганади. Бунда ўқитувчининг таълим-тарбия

ишларидаги ютуқларни таъминловчи сифатларига урғу бериш билан бирга, унинг билим, кўникма, малака ва қобилиятларининг таркиб топиши ҳамда тараққиётининг психологик жараёнлари аниқланади.

Ёш давлари психологияси ҳам педагогик психология сингари умумий психологик қонуниятларни ёритиб берадиган, психик жараёнларни, шолатларни ва шахснинг индивидуал психологик хусусиятларини ўрганадиган умумий психологияга асосланади.

Педагогик психология фанини ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий ашамиятга эга бўлиб, у бошқа фанлар сингари тараққиётнинг умумий тамойилларига; олий нерв фаолияти ва психофизиология қонунларига, бу соҳада тўпланган илмий маълумотларига таяниб, инсон психикасининг кечиши, ривожланиши, ўзгариши юзасидан баъзе юритади.

Ўтмишдаги аждодларимиз инсоннинг психологик қонуниятларини, муайян илмий йўналишда ўрганмаган бўлсалар-да, алломаларнинг кўлёмаларида мазкур шолатларнинг намоён бўлиши, инсон камолоти борасидаги қимматли фикрлари шозиргача юксак ашамият касб этади.

Жумладан, Абу Наср Фаробий педагогика масалаларини ва улар билан боғлиқ бўлган психологик, физиологик муаммоларни ижобий шал этишда инсонни шар томонлама яхлит ва ўзаро узвий боғлиқ бўлган қисмлардан иборат, деб айтади. Фаробий мавжудотни билишда илм-фаннинг ролини шал этувчи омил деб билади, унингча инсон танаси, мияси, сезги органлари туғилишда мавжуд, лекин ақлий билими, маънавийлиги, руҳи, интеллектуал ва ашлоқий хислатлари, характери, дини, урф-одатлари, маълумоти, ташқи муштит, бошқа инсонлар ва шу қабилар билан мулоқотда вужудга келади, инсон ўз фаолияти ёрдамида уларни эгаллайди, уларга эришади. Унинг ақли, фикри, руҳий юксалишининг энг етук мащсули бўлади, деб таъкидлайди.

Абу Райхон Беруний таълим ва тарбиянинг мақсади, вазифалари ва мавқеи, инсон, ёш авлоднинг ривожланиши шақидаги фикрлари чин маънода инсонпарварлик ва инсоншунослик замирида яратилган. Билим ва тарбиянинг табиатга уйғунлик тамойилларини мутафаккирнинг барча асраларида кузатиш мумкин. У инсонни табиатнинг бир қисми деб таъкидлайди.

Беруний таълим жараёнининг табиатига чуқур кириб бориб, болаларнинг ёш хусусиятларини шисобга олиш асосида қурилган ўқитиш табиатига уйғунлигини уқтиради. Беруний педагогик ижодида инсон ва унинг бахт-саодати, таълим-тарбияси, камолоти бош масала бўлган. Ўрта асрда яшаб ижод этган донишманд, табобат илмининг дощийси Абу Али ибн Сино инсон руҳияти, тана ва қалбнинг бирлиги, инсон организмнинг тузлиши, ундаги нерв фаолияти ва уларнинг тармоқланиши, шолатари шақидаги қимматли маълумотлари шозирга қадар тиббиётнинг муштим негизини ташкил этади.

Юсуф Хос Шожиб ижодининг бош масалаларидан бири-комил инсонни тарбиялашдир. Адиб ўз асарларида энг комил, жамиятнинг ўша даврдаги талабларига жавоб бера оладиган инсонни қандай тасаввур

қилган бўлса, шу асосда у ўз тамойилларини изчил баён этади. «+утадғу билиг» («Саодат йўлловчи») асари таълим ва тарбия, маънавий камолотнинг йўл-йўриқларини, усулларини, чора тадбирларини ўзида мужассамлаштирган, ашлоқ ва одобга доир маънавий манбадир.

Абдурашмон Жомийнинг «Бащористон», «Хирондномаи Искандари», «Тушфатул ашрор» ва бошқа асарларида илм-маърифат, таълим-тарбия, касб-шунар ўрганиш, инсон жобий фазилатлари шақидаги фикрлари ифодаланган.

Алишер Навоийнинг «Хазойинул маоний», «Мащбубул-қулуб» ва бошқа шу сингари асарларида, етук, баркамол инсоннинг ашлоқи, маънавияти, ўзгаларга муносабати, истеъдоди ва қобилияти тўғрисида қимматли мулоҳазалар юритилган. Ана шу психологик мезонлар ижтимоий адолатнинг қарор топиши учун мушмил ашамиятга эга экани таъкидланган. Шунингдек, Навоий асарларида ёш авлодни баркамол инсон сифатида шаклланишида ота-онанинг роли, аёлларнинг ифбатлилиги, кишиларнинг камтарлиги шақидаги фикр-мулоҳазалари алоҳида ўрин эгаллайди.

Навоий «Хамса»сида инсонпарварлик туйғулари, ижодий шаёлот, инсоннинг мураккаб ички кечинмалари моширона ёритилган. Шунингдек, бу борада Мащмуд +ошғарий, Улуғбек, Нақшбандий, Оғаший сингари буюк шарқ мутаффақирларининг ёшлар тарбиясига, ўқитувчи, тарбиячининг жамиятдан ўрни, ашлоқ-одоб, феъл-атвор, оилавий шаёт, кишилараро муносабатларга доир қарашлари уларнинг асарларида равон ва ихчам баён этилганлигини таъкидлаш мумкин.

2- Мавзу: Ёш даврлари ва педагогик психологияни вужудга келиши ва ривожланиш тарихи

Ёш авлоднинг таълим ва тарбия билан боғлиқ психологик муаммолари йирик олимлар, файласуф ва ёзувчиларнинг шам мунтазам жалб этиб келган. Дастлабки педагогик-психологик мазмундаги асарлар XVII-XVIII диний-ашлоқий таълимотлар замирида ёритилгандир. Россияда психологик тадқиқот намуналари Шарқ ва /арб маданияти таъсирида инсон рушияти билан боғлиқ турли асарларда шаклланиб келган. В.Н.Татишев, А.Н. Радишев, Н.И.Новиков ва бошқаларнинг асарларидаги дастлабки қарашлари шам психик тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари, психик ривижланишдаги тафовутлар билан йўғрилгандир.

Рус тарихчиси В.Н.Татишевнинг «Фанлар ва билим юртларининг фойдаси тўғрисида сушбат» китобида фанларнинг таснифи, билимларнинг ашамияти, тил ва нутқнинг мавқеи, ёш даврларининг хусусиятлари билан боғлиқлиги кўрсатилган.

А.Н.Радишев биринчилар қатори бола психик тараққиётини табиий-илмий йўсинда асослаб беришга уринади. Унинг **«Петербургдан Москвага саётат»** китоби бу борада педагогик-психологик асарлар сирасидан муносиб ўрин эгаллайди. Ёзувчининг фикрича, инсон ташқи мушмил шақидаги

таассуротларини сезгилар орқали идрок этади, шу йўсинда унинг тафаккури улғайиб шаклланади.

Н.И.Новиков башарият фаравонлигини кўзлаб, ёшлар ва болалар ўртасида фойдали билимларни кенг тарғибот этиш учун уларни ўзига хос йўсинда тарбияламоқ зарур деб айтади. Унинг асарларидан инсоннинг камолоти учун тафаккур, хотира, ашлоқ, щис-туйғува тақлидчанлик алошида ашамиятга эга эканлиги таъкидланади.

Россияда ёш даврлари психологияси ва педагогик психология фанининг ривожланиш тарихида К.Д.Ушинскийнинг ўрни алошида ашамият касб этади. Унинг фикрича психология фанининг асосий вазифаси тарбиянинг мақсадини аниқлашга, таълим-тарбия натижаларини тўғри башолашга, шулар асосида янги метод ва усуллар яратишга, педагогик тажрибани ташлил қилиш ва умумлаштиришда муштим ўрин тутати деб айтади. К.Д.Ушинскийнинг «Инсон тарбия предметиدير» асарида педагогик таъсир жараёни щисобланган инсоннинг психологик хусусиятлари, унинг ўзига хос томонлари ўз аксини топган.

Шунингдек, Россияда илмий психологияни ривожлантиришда Н.Ф.Каптерев, Н.А.Сикорский, А.П.Нечаев, А.Ф.Лазурский, П.Ф.Лесгафт, И.М.Сеченов, И.П.Павлов, П.П.Блонский сингари олимлар бу борада ўзларининг муносиб щиссаларини қўшганлар.

Ўтган асрнинг ўрталарида вужудга келган турли назариялар, карашлар, ўқув фаолияти ва таълимнинг талқинлари, (Д.Н.Богоявленский, Н.А.Менчинская, П.Я.Гальперин, Н.В. Кузьмина ва бошқалар) нафақат педагогик тажрибани, балки психология фанининг бу тармоғини илмий-амалий бойитишга асос бўлди.

Олмон психологи Э. Мейерман боланинг мактаб даврида унинг руши ва танасида кечаётган ўзгаришларни тўлиқ билмай туриб, унга буйруқ ёки тазийқ ўтказиб бўлмайти, деб таъкидлайди. Унинг фикрича экспериментал педагогиканинг мақсади айти шу муаммоларга қаратилмоғи даркор.

Америкалик психолог-олим С.Холл щар қандай бола ўзининг индивидуал тараққиётида филогенезни онтогенезда такрорлайди, шу боис болаларга ибтидоий инстинктларни оғриқсиз, енгил кечиши учун қулай имкониятлар яратиб бериш зарур деб айтади. С.Холл ўз тажрибалари асосида бой ашёвий далиллар тўплаб, бола щақида психологик физиологик щамда педагогик билимларнинг комплекс дастурини яратиш гоёсини олға суради.

Филогенез-(юнонча, Phyle-қабил, generis- келиб чиқиш, пайдо бўлиш)- муайян тирик мавжудот турининг ерда щает бошланганидан кейинги эволюцион тараққиёт жараёни.

Швейцариялик психолог Э.Клаперед «Бола психологияси ва экспериментал педагогика» асарида қизиқиш, мотив, эщтиёжларнинг методологик асослари, болалар тафаккурининг хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятлари, ўхшашлик ва тафовутнинг бола онгида содир этилиши тўғрисида мулошсаза юритади.

Француз психологи П.Жаненинг фикрига кўра, инсон психикаси ижтимоий муносабатларга боғлиқ, зотан жамият ва табиат ўртасидаги турли алоқалар тизимининг шаклланиши, инсоннинг улғайишини белгилайди. У алоқа сифатида шатти-шаракатни тушунади, бу эса кишининг атроф-мушитга шахсий муносабатидан бошқа нарса эмас, албатта. П.Жаненинг таъкидлашича, энг қимматли, ашамиятли ижтимоий шаракат шамкорлигидаги фаолиятда ўз ифодасини топади, шахслараро ташқи муносабатлар ривожланишининг муштим тамойили шисобланади.

Америкалик психолог Дж. Брунер шахснининг таркиб топиши билан таълим ўртасида ўзаро алоқа мавжудлигини таъкидлаб, инсоннинг камолот сари интилиши билим олиш самарадорлигини оширс, ўқитишнинг такомиллашуви унинг ижтимоийлашувини жадаллаштиради, деб уқтиради.

Шозирги кунда мамлакатимизда шам ёш даврлар психологияси ва педагогик психология фанининг муштим муаммоларига доир қатор илмий-амалий тадқиқотлар психолог олимлар томонидан олиб борилмоқда.

Республикаimizдаги етакчи олийгошларнинг кафедра ва лабараторияларида ёш даврлари ва таълим тарбиянинг психологик хусусиятлари билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ этиш юқори малакали мутахассислар томонидан махсус техникалар билан жишозланган шароитларда илмий-тадқиқот ишлари самарали йўлга қўйилган.

Мазкур муаммоларнинг ечими шозирги замон фанининг методологик тамойиллари асосида, яқин ва узоқ шорижий мамлакатларида бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг ютуқлари ва ғоялари шақидаги маълумотларга эга бўлган шолда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб бормоқда. Бу борада Т.+ориНиёзий, С.Ражабов, П.И.Иванов, М.Вошидов, М.Г.Давлетшин, Э./озиев, Р./айнутдинов, Б.+одиров, Р.И.Суннатов, А.Жабборов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларнинг илмий тадқиқотларини эътироф этиш мумкин. Жумладан, ўқувчиларнинг техник қобилиятлари, ўқув мотивлари, замонавий мактаб ўқувчисининг психологик киёфаси М.Г.Давлетшин ва унинг издошлари А.Жабборов, Ф.И.Шайдаров, М.М.Мавлоновлар томонидан, тафаккур ва таълимни бошқариш муаммоси томонидан, тафаккур ва таълимни бошқариш муаммоси Э./озиевнинг ташаббусида, истеъдодли ўқувчилар ва касб танлаш муаммоси Б.Р.+одиров рашбарлигида, болаларнинг ақлий фаолият муаммоси Р.И.Суннатовлар томонидан самарали олиб борилмоқда.

3-мавзу: Ёш даврлари ва педагогик психологияда илмий тадқиқот методларидан фойдаланиш.

Ёш даврлар ва педагогик психология фани шам психология илмининг бошқа сошлари сингари ўзининг илмий-тадқиқот методларига эга. Психологик қонуниятларни муайян режа асосида олиб бориладиган текширишлар туфайлигина шолисона аниқлик киритиш мумкин. Психологик тадқиқотлар жараёнини қуйидаги асосий босқичларга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

1. **Муаммонинг қўйилиши.** Шар қандай илмий-текшириш ишлари каби, психологияда олиб бориладиган илмий текшириш ишлари шам назарий ва амалий ащамиятга эга бўлган муаммони аниқлашдан, шунигдек бу муаммо фанда қанчалик ёритилганлигини аниқлаш мақсадида мазкур мавзуга оид илмий ва махсус адабиётларни тащлил қилишдан бошланади.

2. **Тадқиқот методикасини танлаш.** Психологик тадқиқотлар турли методлар (бу методлар шақида қуйида батафсил фикр юритилади) билан олиб борилади. Текширишларнинг муваффақиятли чиқиши кўп жищатдан методни тўғри танлашга боғлиқ бўлади.

3. **Маълумотларни тўплаш.** Тўпланган маълумотлар ўрганилаётган муаммога мос бўлиши ёки уларни тўплаш мақсадга мувофиқ равишда олиб борилиши зарур. Илмий маълумотларга бўлган асосий талаблар-бу ўларнинг холисона, тўла ва изчил бўлишидир. Тўпланган маълумотлар ўрганилаётган муаммони шар жищатдан тавсифлаб бериши керак.

4. **Маълумотларни қайта ишлаш.** Тўпланган маълумотларни математик ва мантиқий жищатдан ишлаб чиқиш умумийликни, хусусийликни топиш ва уларни тасодифий маълумотлардан ажратиш имконини беради. Бунда тўпланган маълумотларнинг ўртача миқдори (арифметик, квадрат ва шакозо), процентлари аниқланади, сонларга оид маълумотлар жадвалларга жойлаштирилади, график, диаграмма ва чизмаларда ўз аксини топади. Мураккаб мутаносибликдаги маълумотларни топишда эса вариацион статистика методлари қўлланилади.

5. **Ўнўниятларнинг ифодаланиши.** Бу тадқиқотнинг бирмунча мураккаб ва маъсулиятли босқичи щисобланади. Чунки, бу босқичда маълумотларнинг мощиятига қанчалик чуқур тушунилганлиги, уларнинг ўзаро боғлиқлигини щисобга олиб, босқич маълумотидан шар турли хулоса чиқариш мумкин. Кўпинча чиқарилган хулосалар тахминий характерга эга бўлиб, кейинги текширишлар, аниқлашлар учун асос бўлади.

6. **Ўнўниятни амалда қўллаш.** Аниқланган қонўниятлар маълум бир амалиёт сощасида қўлланилади. Амалда қўллаш аниқланган қонўниятнинг тўғрилигига батамом ишонч щосил қилиш имконини беради. Кўпинча ўқитувчилар ўз амалий фаолиятларида шахсий кузатишлари ва бошқаларнинг тажрибаларини умумийлаштирадидлар. Бирок, бундай умумлаштиришлар илмий жищатдан етарли асосланган бўлмайди. Яъни, мущим аниқлиги ва теранлиги билан ажралиб турмайди.

Метод- (юнонча, methods-тадқиқот, текшириш)-билишнинг назарий ва амалий ўзлаштириш усуллари йиғиндиси.

Тажрибада қўлланиладиган методлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин.

1. **Кузатиш методи.** Кишининг шар кунги психик фаолиятини одатдаги щаёт ва шароитларида тащлил қилишдан иборатдир.

Педагогик психологияда бу методнинг объектив (ташқи) ва субъектив (ўзини-ўзи) кузатиш турлари мавжуд. Инсон психикасидаги ўзгаришларни кузатиш учун қуйидагилар амалга оширилади:

а) кузатишнинг мақсади, вазифаси белгиланади

- б) кузатиладиган объект танланади;
- в) синалувчининг ёши, жинси шақида маълумотлар тўпланади;
- г) тадқиқот ўтказиш вақти режалаштирилади.
- д) кузатиш қанча давом этиши қатъийлаштирилади;
- е) кузатиш инсоннинг қайси фаолиятида (ўйин, ўқиш, мецнат, спортда) амалга оширилиши тавсия этилади;
- ё) кузатишнинг шакли (якка, гуруҳ, жамоа) тайинланади;
- ж) кузатилганларни қайд қилиб бориш воситалари (кундалик, суҳбат дафтари, кузатиш варақаси, магнитофон, видеомагнитофон ва бошқалар) тахт қилинади.

Кузатиш орқали турли одамларнинг диққати, шис-туйғулари, нерв системасининг ташқи ифодалари, темперамент хусусиятлари, имо-ишоралари, сезгилари, нутқ фаолияти ва шакозолари ўрганилади. Аммо, ўта мураккаб ички психологик кечинмалар, юксак шиссиётлар, тафаккур, мантикий хотира ва ақл-заковатни тадқиқ этишга бу методнинг имкони етмайди.

2. Эксперимент методи-сунъий шосил қилинган психологик шароитда намоён бўлувчи психик фаолиятни тащлил қилишдан иборатдир. Экспериментартор ёки тажриба ўтказувчи психик фаолиятнинг ўзига керакли шодисасини махсус тарзда шосил қилади, шамда унинг намоён бўлиш шарти ва характерини белгилайди. Тажриба методи ўз навбатида табиий ва лабаратория методалрига ажратилади.

3. Табиий метод. Психологик-педагогик масалаларни шал қилишда қўлланилади. Бу методнинг илмий асосларини 1910 йилда А.Ф.Лазурский яратган. Табиий методдан фойдаланишда ишлаб чиқариш жамоалари аъзоларининг, илмий муассасалар ходимларининг, ўқитувчиларнинг иш қобилиятлари, ўзаро муносабатларини, мутахассисликка яроқлилиги муаммоларини шал қилиш назарда тутилади. Табиий шароитда инсон психикасини ўрганишда синалувчиларнинг ўзлари беҳабар бўлиши, таълим жараёнида берилаётган билимлар тадқиқот мақсадига мувофиқлаштирилиши лозим.

4. Лабаратория методи. Кўпинча индивидуал (баъзида гуруҳ ёки жамоа) шаклида синалувчилардан яширмай, махсус психологик асбоблар, йўл-йўриқлар, тавсиялар, кўрсаткичлар ва иловалардан фойдаланиб олиб борилади. Шозир инсон психикаси ўзгаришларни аниқлайдиган асбоблар, мураккаб электрон шисоблаш машиналари, қурилмалар, мосламалар мавжуд. Кўпинча электрон ва радио ўлчагичлар, секундомер, рефлекометр, электроэнцефалограмма кабилардан фойдаланилади.

Лабаратория методи ёрдамида диққатнинг сифатлари, сезги, идрок, хотира ва тафаккурнинг хусусиятлари, эмоционал шамда иродавий ва калий зўриқиш сингари мураккаб психик шолатлар текширилади. Кўпинча лабаратория шароитида кишилар (учувчи, шайдовчи, оператор, электронлар) ва кутилмаган тасодифий вазиятлар (шалокат портлаш, издан чиқиш, шовқин кўтарилиши)нинг моделлари яратилади. Асбобларнинг кўрсатиши бўйича ўзгаришлар, ривожланиш динамикаси, жисмоний ва ақлий

толиқиш, эмоционал-иродавий зўриқиш, жиддийлик, тажанглик содир бўлаётганини ифодаловчи маълумотлар олинади.

5. Психологик-педагогик эксперимент-ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини табиий шароитда махсус усуллар ёрдамида ўрганишдир.

Мазкур эксперимент ўқувчиларни махсус уюштирилган таълим шароитида мақсадга мувофиқ улардан ўзгаришларни кузатишни тақозо этади. Бу эксперимент аниқловчи ва таркиб топтирувчи босқичлардан иборат бўлиб, махсус уюштирилган таълим таркиб топтирувчи эксперимент жараёнида олиб борилади. У қуйидаги тузилишга эга: экспериментатор ёки тадқиқот олиб борувчи, синалувчилар, фараз, режа, йўл-йўриқ, тажрибанинг бир-бирига боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган, ўзгарувчан, назорат қилинадиган ва қилинмайдиган қисмлардан иборат. Экспериментал тадқиқотнинг асосий босқичлари: фаразни илгари суриш, методикани танлаш, экспериментни режалаштириш, олинган маълумотларни ишлаб чиқиш, тащлил этиш ва изошладан иборатдир.

1. Анкета методи. Кишилар психикасини оммавий сўроқ асосида ўрганиш демакдир. Бу метод ёрдамида турли ёшдаги одамларнинг психологик хусусиятлари, нарса ва шодисаларнинг муносабатлари ўрганилади. Анкета одатда уч турда ўтказилади.

Уларнинг **биринчи** тури англашилган мотивларни Аниқлашга мўлжалланган саволлардан тузилади.

Иккинчи турида шар бир саволнинг бир нечтадан тайёр жавоблари берилади.

Учинчи турдаги анкетада синалувчига ёзилган тўғри жавобларни баллар билан бащолаш тавсия этилади. Анкетадан турли ёшдаги одамларнинг лаёқатларини, муайян сощага қизиқишлари ва қобилиятларини ўзига, тенгдошларига, ката ва кичикларга муносабатларини аниқлаш мақсадида фойдаланилади.

Тарқатилган анкеталар йиғиштирилади ва электрон щисоблаш машиналарида щисобланади, атрофлича миқдорий тащлил қилинади, сўнгра тадқиқотга яқун ясаиб, илмий ва амалий йўсинда хулосалар чиқарилади. Анкета методи инсон психикасини ўрганиш учун бой малумотлар тўплаш имконини беради. Бироқ унда олиннадиган маълумотлар доимо холисона хусусиятга эга булавермайди. Бундай камчиликка йўл қўймаслик учун анкета ичидаги назорат вазифасини бажарувчи саволларни пухта ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

5. Сущбат методи эркин, нутқий муносабат туфайли олинган киши психик фаолиятининг хулосасини текшириш демакдир. Бу метод ёрдамида инсон психикасини урганишда сущбатнинг мақсади ва вазифаси белгиланади, унинг объекти ва субъекти танланади, яқка шахслар, гурух ва жамоа билан ўтказиш режалаштирилади, урганилаётган нарса билан узвий боғлиқ боғлиқ савол-жавоб тартиби тайерланади. Сущбатнинг бош мақсади муайян бир вазият ёки муаммони щал қилиш жараёнида инсон психикасидаги ўзгаришларни ўрганишдир. Сущбат орқали турли ёшдаги одамларнинг

тафаккури, ақл-заковати, шул-атвори, қизиқиши, билим савияси эътиқоди, Дунёкараши, иродаси тўғрисида маълумотлар олинади.

6. Тест методи. Тест-инглизча «синаш», «текшириш» деган маънони англатади. Шахснинг ақлий ўсишини, қобилиятини, иродавий сифатлари ва бошқа психик хусусиятларини текширишда иродавий сифатлари ва бошқа психик хусусиятларини текширишда қўлланиладиган қисқа стандарт масала, топширик, мисол ёки жўмбоқлар тест деб аталади. Тест, айниқса, одамнинг қандай касб эгаллаш мумкинлигини, касбга яроқлилиги ёки яроқсизлигини, истеъдодлилар ва ақли заифларни аниқлашда, кишиларни саралашда кенг қўлланилади. Тест методининг қиммати тажрибанинг илмийлик даражасига, текширувчининг маънотига ва қизиқишига, тўпланган маълумотларнинг объективлиги ва уларни илмий таълил қила билишига боғлиқ.

1905 йил француз психологлари **А. Бине** ва **А. Симонлар** инсоннинг ақлий ўсиш ва истеъдод даражаларини ўлчаш имконияти борлиги ҳолисани олға сурганидан кейин психологияда тест методи қўлланила бошланди.

Шозирги замон нодир тестлари қаторига психологлардан Роршах, Розенцвейг, Кеттел, Векслер, Айзенк, Анастзи, Равен ва бошқалар ижодининг намуналарини киритиш мумкин. Энг кенг тарқалган тестлар қаторига ютуққа эришиш (мақсадга етиш) тестлар қаторига ютуққа эришиш (мақсадга етиш) тестлари (улар дарсликлариди берилган билим ва малака даражаларини баҳолашга қаратилган), интеллект тестлари (ақлий ривожланиш даражасини ўлчашга мўлжалланган), шахс тестлари (инсон иродаси, эмоцияси, қизиқиши, мотивацияси ва шуққни баҳолашга йўналтирилган диагностик усуллардан иборатдир), шахс «лойищаси» (проектив) тестлари (саволларга бита аниқ жавоб бериш талаб қилинади, жавобларни таълил қилиб, шахс хусусиятнининг «лойищаси» ишлаб чиқилади) киради.

1. Биографик (таржимаи шол) методи. Инсон психикасини тадқиқ қилиш учун унинг шайти: фаолияти, ижодиёти тўғрисидаги оғзаки ва ёзма маълумотлар биографик метод орқали ўрганилади. Бу борада кишиларнинг таржимаи шоли, кундалиги, хатлари, эсдаликлари, ўзгалар ижодига берган баҳолари, тақризлари алошида ўрин эгаллайди.

Шу билан бирга ўзгалар томонидан тўпланган таржимаи шол шайқидиги материаллар: эсдалиқлар, хатлар, расмлар, тавсифлар, баҳолар магнитофон овозлари, фотолавшалар, шужжатли фильмлар тақризлар ўрганилаётган шахс шайқиди тўла тасаввур этишга хизмат қилади.

Таржимаи шол маълумотлари инсон психикасидиги ўзгаришларни кузатишда, унинг шуббат ва тажриба методлари билан ўрганиб бўлмайдиган жищатларини очишда ёрдам беради.

Биографик маълумотлар одамларнинг ўзини-ўзи тарбиялаши, назорат қилиши, идора этиши, ўзининг услубини яратиш, камолот чўққисига эришиши жараёнида намуна вазифасини ўтайди.

8. Социометрик метод. Бу метод кичик гуруш аъзолари ўртасидиги бевосита эмоционал муносабатларни ўрганиш ва уларнинг даражасини ўлчашда қўлланилади. Унга Америкалик социолог Джон Морено асос

солган. Мазкур метод ёрдамида муайян гурушдаги шар бир аъзонинг ўзаро муносабатини аниқлаш учун унинг қайси фаолиятида ким билан бирга қатнашиши сўралади. Тадқиқотнинг социометрик методи шароитга мувофиқлаштирилган кичик гурушлардаги шахслараро муносабатни ўлчаш усули шисобланади. Бу усулда синалувчиларга бевосита саволлар берилади ва уларга кетма-кет жавоб қайтариш орқали гуруш аъзоларининг ўзаро танлаш жараёни вужудга келтирилади. Мактабгача тарбия муассасалари мактабдаги ўқувчилар жамоаси, мешнат лагерлари, олий мактаблар, мешнат жамоалари ва турли муассасаларнинг ходимлари ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятлари, динамикаси, шахслараро зиддиятларнинг сабаби шу метод ёрдамида ўрганилади. Умуман олганда, социометрия методидан турли ёшдаги, икки хил жисндаги, савияси шар хил кишилар гурушлардаги психологик қонуниятларни тадбиқ этишда унумли фойдаланиш мумкин.

4-Мавзу: Психик ривожланиш ва таълим.

Психик ривожланиш ва бу ўзгаришларга сабаб бўладиган кучлар ўртасидаги муносабат қонунларини ўрганиш мушм ва долзарб муаммоларидан биридир.

Инсон шахсининг психик ривожланиши ва унинг шаклланиши мураккаб тадқиқот жараёнидир. Зеро, унинг ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятларини асосли, илмий билиш, ўқувчи шахсига педагогик жищатдан таъсир кўрсатишнинг зарур шартидир.

Инсон-биосоциал мавжудотдир. Унинг бирлиги, бир томондан, кишининг психик, туғма равишда ташкил топган хусусиятлари (масалан, кўриш ёки эшитиш сезгилари) иккинчи томондан эса фаолиятнинг онгли субъекти ва ижтимоий тараққиётнинг фаол иштирокчиси сифатида унинг шулқ-атвор (М, ашлоқий одатлар) хусусиятларида намоён бўлади.

Хўш, одам психикаси ва шатти-щаракатларида намоён бўладиган бу хусусиятларни нималар сирасига киритиш мумкин. Инсон психикасининг табиати биологикми ёки инқилобий характерга эгами?

Инсон шахсининг таркиб топиши ва психик ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг муаммоси ўз мошьяти жищатидан ғоявий характерга эга. Шу боис, бу масалани шал қилишда бир-бирига қарама-қарши бўлган турли оқимлар, йўналишлар майдонга келган. Инсон шахсининг таркиб топишини тушунтиришда майдонга келган биринчи оқим биогенетик концепция, назария бўлса, иккинчи оқим социогенетик концепциядир.

Инсон шахсининг таркиб топишини тушунтиришга интилувчи биогенетик оқим XIX асрнинг иккинчи ярмида майдонга келган.

Бола психик хусусиятларининг туғма табиати шақидаги таълимот шу вақтга қадар аксарият психология мактабларининг асосини ташкил этиб келмоқда. Мазкур таълимот инсон психикасининг барча умумий ва индивидуал хусусиятлари табиат томонидан белгиланган, унинг биологик

тузилишига тенглаштирилгандир, психик ривожланиш эса, ирсий йўл билан азалдан белгиланиб, инсон организмига жойлаштирилган шу хусусиятларнинг маромига етиш жараёндан иборат деб таъкидлайди. Маълумки, наслий хусусиятлар туғма йўл билан наслдан-наслга тайёр шолда берилади, бироқ шундай бўлишига қарамай, бу оқим намоёндалари инсон шахси ва унинг барча хусусиятлари, ички қонунлар асосида, яъни наслий хусусиятлар негизида майдонга келадиган нарса, биологик омилларга боғлиқдир, деб таъкидлайдилар.

Биогенетик таълимот, инсон қобилиятларининг ривожланиш даражаси (чунончи, имкониятларининг чегараси, унинг энг юксак нуқтаси) тақдир томонидан белгиланиб қўйилганлигини, ўқувчи имкониятлари ва қобилиятларини махсус тестлар ёрдамида аниқлаб, ундан чўнг таълим жараёнини унинг ирсият томонидан белгиланган тараққиёт даражасига мослаштириш уларнинг ақлий истеъдод даражаларига қараб турли мавқедаги мактабларда тақсил олиши зарур деб таъкидлашади.

Чунончи, бу йўналиш тарафдорларидан, америкалик психолог Э.Торндайк ўқувчиларнинг «табiiй кучлари» ва «туғма майллар»ини психик ривожланишнинг етакчи омили қилиб кўрсатиб, муштитнинг, таълим-тарбиянинг таъсири-иккинчи даражаларидир, деб айтади.

Австралиялик психолог К.Бюлер болаларнинг фақат ақлий тараққиётинигина эмас, балки ашлоқий ривожланиши шам наслий томондан белгилангандир, деб таъкидлайди.

Инсон шахсининг тарикб топишини ўрганиш давомида юзага келган яна бир таълимот-**Социогенетик концепция**-қобилиятларнинг тараққиётини, фақат теварак-атрофдаги муштитнинг таъсири билан тушунтиради. Бу йўналиш ўз замонаси учун илғор шисобланган XVIII француз олими К. Гельвеций таълимотидан бошланган. К.Гельвеций таълимотига кўра, барча одамлар ақлий ва ашлоқий ривожланиши учун туғилишданок мутлақо бир хил табiiй имкониятга эга бўладилар. Шунинг учун одамларнинг психик хусусиятларидаги фарқ фақатгина муштит ва тарбиянинг турлича таъсир қилиши билан вужудга келади, деб тушунтирилади. Бу назария одамларнинг психик, руший, оқибатда ижтимоий тенгсизлиги уларнинг туғма хусусиятлари деган таълимотга қарши қаратилган эди. Социогенетик ёндошишга биноан, шахсда рўй берадиган ўзгаришлар жамиятнинг тузилиши, ижтимоийлашиш усуллари, уни қуршаб турган одамлар билан ўзаро муносабати воситаларидан келиб чиққан шолда тушунтирилади. **Ижтимоийлашув назариясига** кўра, инсон биологик тур сифатида туғилиб, шайтнинг ижтимоий шарт-шароитларининг бевосита таъсири остида шахсга айланади.

Психология фани замонавий таълимотга асосланган шолда инсон шахсининг тарикб топишини асосан учта омилнинг таъсирига боғлиқлигини далиллар асосида изошлаб беради. Улардан,

-биринчиси-инсон туғилиб вояга етадиган ташқи ижтимоий муштитнинг таъсири;

-иккинчиси-одамга узоқ муддат давомида мунтазам тарзда бериладиган таълим-тарбиянинг таъсири;

-учинчиси-одамга туғма равишда, тайёр шолда бериладиган наслий хусусиятларни таъсиридир.

Маълумки, шар бир одам ўзига хос, бошгаларда айнан такрорланмайдиган ижтимоий мушитда, аниқ ижтимоий муносабатларда, яъни оила, жамоа ва жамиятда, одамлар орасида яшаб улғаяди, шаклланади.

Бу ижтимоий муносабатларга одам жамият аъзоси сифатида, маълум синфнинг, у ёки бу ижтимоий гурушнинг намоёндаси сифатида ва нищоят ташкил қилинганлик ва уюшқоқлик даражаси турлича бўлган муайян жамоаларнинг фаол аъзоси сифатида қатнашади.

ривожланиш деганда одатда шодисаларнинг шар икки тури тушунилади ва бу тушунчалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир:

1) миянинг биологик, органик етилиши, унинг анатомик-физиологик тузилиши жащатидан етилиши;

2) психик (ақлий) ривожланишнинг маълум ўсиш даражалари сифатидаги, ўзига хос ақлий етилиш сифатидаги психик ривожланиши. Ўз-ўзидан маълумки, ақлий ривожланиш мия тузилишининг биологик ечилиши билан боғлиқдир ва бу хусусият таълим-тарбия ишларида, албатта, щисобга олиниши лозим, чунки таълим миянинг органик жищатдан етилишини мушитга, таълим-тарбияга мутлақо боғланмаган шолда ўзининг қатъий биологик қонунлари асосида содир бўлади, деб бўлмайди. Мушит, таълим-тарбия ва тегишли машқ, мия тузилишининг органик жищатдан етилишига ёрдам беради.

Бу жараёнда таълим қандай мавқега эга? Таълим ривожланишига нисбатан етакчи вазифани бажарадими? Ёки аксинча? Бу муаммонинг щал қилиниши таълим жараёнининг мазмуни ва методикасини, ўқув дастурлари ва дарсликларнинг мазмунини белгилаб беради.

Бу борада немис психологи В.Штерн: таълим психик ривожланишнинг орқасидан боради ва унга мослашади, деган фикрни олға сурган эди. Бу фикрга қарама-қарши рус психологи Л.С.Виготский боланинг психик ривожланишида таълим ва тарбиянинг етакчилик роли бор, деган коидани биринчи бўлиб илгари сурди ва уни: таълим ривожланишидан олдинда боради ва уни ўз орқасидан эргаштириб олиб боради, де баниқ ифодалаб беради. Юқорида баён қилинган биринчи фикрга мувофиқ таълим фақат ривожланиш томонидан эришилган нарсалардан фойдаланади. Шунинг учун ақлий жищатдан етилиш жараёнига аралашмаслик, унга щалақит бермаслик, балки таълим учун имконият етилгунча чидам билан пассив кутиб туриш керак.

Шундай қилиб, боланинг, мактаб ўқувчисининг психик ривожланиши-мураккаъ тараққиёт жараёнидир.

5-Мавзу: Ёш даврлари ва педагогик психологияда ёш даврларини табақалаш муаммолари

Психология фанида ёш даврларини табақалаш бўйича турлича усуллар мавжуддир. Бу инсон шахсини тадқиқ қилишга турли нуқтаи-назардан ёндошуви ва мазкур муаммонинг мощиятини турлича ёритади.

Маълумки, шар бир давр ўзининг мушим шаётий, шароитлари, эштиёжлари ва фаолияти, ўзига хос қарама-қаршиликлари, психикасининг сифат хусусиятлари ва психик жишатдан характерли янги сифатларнинг шосил бўлиши билан ажралиб туради. Шар бир давр ўзидан олдинги давр томонидан тайёрланиб, унинг асосида шаклланиши ва ўз навбатида, ўзидан кейинги даврнинг пайдо бўлиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда психологияда мавжуд ёш даврларини табақалаш назарияларига урғу бериб ўтиш мақсадга мувофикдир.

Швейцариялик психолог Ж.Пиаженинг ақл-идрок назарияси, ақл-идрок функциялари шамда унинг даврлари шақидаги таълимотни ўз ичига олади. Ақл-идрокнинг асосий вазифалари, мослашиш ва кўникишдан иборат бўлиб, бу нинг доимий вазифалар туркумини ташкил этади.

Муаллиф, бола ақл-идрокини қуйидаги психик ривожланиш даврларига таснифлайди;

- 1) Сенсомотор интеллекти-туғилгандан 2 ёшгача;
- 2) Операциягача тафаккур даври-2 ёшдан 7 ёшгача;
- 3) Аниқ операциялар даври-7, 8 ёшдан-11, 12 ёшгача;
- 4) Расмий операциялар даври.

Француз психологи А.Валлон эса ёш даврларини қуйидаги босқичларга ажратади:

- 1) шомиланинг она қорнидаги даври;
- 2) импульсив шаракат даври-туғилгандан 6 оёликкача;
- 3) шис-туйғу даври (эмоционал)-6 ойликдан 1 ёшгача;
- 4) сенсомотор (идрок биланшаракатнинг уйғунлашуви) даври- 1 ёшдан 3 ёшгача;
- 5) персонологизм (шахсга айланиш) даври-3 ёшдан-5 ёшгача;
- 6) фарқлаш даври-6 ёшдан-11 ёшгача;
- 7) жинсий етилиш ва ўспиринлик даври-12 ёшдан 18 ёшгача.

Рус психологиясидаги ёш даврларини табақалаш муаммоси дастлаб Л.С.Виготский, П.П.Блонский, Б.Г.Ананьев сингари йирик психологларнинг асарларида ўз аксини топа бошлаган. Кейинчалик бу муаммо билан шуғулланувчилар сафи ортиб борди, шу боис ёш даврларини таснифлаш муаммоси ўзининг келиб чиқиши, илмий манбаи, ривожланиш жараёнларига ёндошилиши нуқтаи назаридан бир-биридан кескин фарқ қилади. Шозирги вақтда ёш даврларини табақалаш юзасидан мулошаза юритишда олимларнинг илмий қарашларини муайян гурушларга ажратиш ва уларнинг мощиятини очиш мақсадга мувофикдир.

Л.С.Виготский психологларнинг ёш даврларини табақалаш назарияларини танқидий ташлил қилиб, муайян ривожланишни вужудга

келтирувчи руций янгиланишларга таяниб, ёш даврларини куйидаги босқичларга ажратади;

1. Чақалоқлик даври инқирози;
2. Гўдаклик даври-2ойликдан 1 ёшгача. Бир ёшдаги инқироз.
3. Илк болалик даври-1 ёшдан 3 ёшгача-3 ёшдаги инқироз
4. Мактабгача давр-3 ёшдан 7 ёшгача-7ёшдаги инқироз
5. Мактаб ёши даври- 8 ёшдан 12 ёшгача- 13 ёшдаги инқироз;
6. Пубертат (жинсий етилиш) даври-14 ёшдан 18 ёшгача, 17 ёшдаги инқироз.

Л.С.Вигтский ўзининг ёш даврларини табақалаш назариясини илмий асослаб, таърифлаб бера олган. Олим энг мушм психик янгилишлар шақида илмий ва амалий ащамиятга молик мулощазалар билдирган. Бирок, бу мулощазаларда анча мунозарали, бащсли ўринлар шам мавжуд. Умуман Л.С.Вигтскийнинг ёш даврларини табақалаш назарияси илмий-тарихий ащамиятга эга, унинг ривожланишини амалга оширувчи инқирозлар тўғрисидаги мулощазали ва олға сурган ғоялари щозирги куннинг талабларига мосдир.

Академик А.Берг бу ҳолатни образли қилиб қуйидагича характерлаб берган. (Москвада шарорат-10дан +19 гача, ўртача йиллик шарорат + 5)

лекин кийим бошни йиллик ўртача шароратдан келиб чиқиб ишлаб чиқариш щеч кимнинг щаялига келмайди. Щақиқий шарорат щисобга олинади. Аммо, таълимда худи шундай ўрталаштиришга йўл қўйса бўлади ва щатто муқаррардир, деб щисобланади.

Таълимни индивидуаллаштириш принципи ўқитишда ўқувчиларнинг реал типларига таяниш зарурлигига асосланади.

Бу принципни, биз кўриб ўрганишимиздек, программалаштирилган таълим жуда яхши амалга оширади. Лекин одатдаги таълим шароитида щам бу принцип татбиқ этилиши мумкин ва лозим.

Ўқувчиларнинг индивидуал психологик хуссуиятлари таълимнинг айрим методлари ва усулларини танлаш щамда қўлланиш вақтида, уйга берилган топшириқларни қисмларга бўлишда, синф ва ёзма ишларнинг вариантларини, (уларнинг қийинлик даражасига қараб) аниқлашда щисобга олинади.

Синф билан олиб бориладиган ишни айрим ўқувчи билан олиб бориладиган индивидуал иш билан бирга қўшиш мумкин. Бу орада психологлар ва педагоглар анча изланиш олиб бормоқдалар. Таълим методлари турлича бўлиши, ўқувчининг индивидуал хуссуиятларига қараб ўзгартирилиши керак. Лекин бу 40 ўқувчи бор бўлган синфда 40 хил индивидуал ёндошишни, таълим методикасининг 40 хил индивидуал вариантини амалга ошириш зарур деган маънони англамайди одатдаги мактаб таълими шароитида бундай щаддан ташқари индивидуаллаштириш мумкин щам эмас. Ўқувчиларнинг **фикрлаш** фаолиятининг асосий типларини фақат щисобга олиш кифоя қилади. Ўқувчининг тафаккурининг индивидуал характеристикасини, унинг бирон-бир типга мансуб эканлигини қандай Аниқлаш керак?

Тегишли психологик ва педагогик адабиёт билан танишиб чиқилгач, бу ишни амалга ошириш унчалик мураккаб бўлмайди. Чунки, шар бир ўқитувчи одатда ўз ўқувчиларини, уларнинг индивидуал хуссуиятларини, улар тафаккурининг кучли ва ожиз томонларини яхши билади. Наталия Александровна Менчинская билан Д. Н. Погоявленский тўғри кўрсатиб ўтишганидек, ўқитувчи муайян ўқувчи нимани ўзлаштирган ва нимани ўзлаштирмаганлигини билиш билангина чекланиб қолмалиги керак.

Ўқувчининг фикрлаш фаолиятидаги индивидуал хуссуиятларни щам, шунингдек шахсининг айрим хуссуиятларини; муносабатини (ўқишга, ўзининг ютуқ ва мағлубиятларини);

9-мавзу: Тарбия психологияси

Тарбия психологияси мақсадга мувофиқ равишда ташкил этилган педагогик жараён шароитида инсон шахсий шаклланишининг қонуниятларини ўрганади. Тарбия шар қандай жамиятнинг муштим вазифасидир.

Тарбия-бу шахснинг ижтимоий, маънавий ва ишлаб чиқариш фаолиятига тайёрлаш мақсадида унинг маънавий, жисмоний камолотига мунтазам равишда таъсир кўрсатиш жараёнидир.

Президентимиз И.А.Каримов «Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади, ўзининг кадр-қиммати аниқлайдиган, иродаси баққуват, иймони бутун, шайхонада аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имкониятига эга бўламиз»-деб таъкидлаганларидек «Таълим тўғрисидаги +онун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» бугунги кунда шахс тарбиясига жиддий эътиборни қаратмоқда.

Тасаввур қилинг: илмли, катта ихтироларга қурби етадиган қонунларни яхши ўзлаштирган мутахассис-маънавийсиз, тарбиясиз, ашқоқсиз бўлса нима бўлиши мумкин? У ўз манфаатини ўйлайди, ватан учун бирор нарса қурбон қила олмайди, чунки у худбин, унда меъри-оқибат, фидоийлик, ватанпарварлик, миллий ғурур йўқ, у мушторларга ёрдам бермайди, чунки унда тарбия шаклланмаган.

Тарбия жуда мураккаб жараёндир. Одамзод фарзандини оқ ювиб, оқ тараб, боқиб, таълим бериб вояга етказиш учун қилинадиган ғамхўрлик тарбия дейилади. Одамга касб-шунақ ўргатиш ва умуман кишининг ғоявий ва маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган таълим тизими ҳам тарбиядир.

Тарбия-шахс оқимини муайян жамиятнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда таркиб топтириш ва ривожлантириш жараёни, кишиларни ижтимоий иқтисодий ва маданий шайхонада фаол иштирок эттиришга қаратилган барча таъсирлар мажмуидир.

Таълим билан тарбия бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқ. Таълим-тарбиянинг муштор воситаси бўлиб, мақсад ва вазифаларга у орқали эришилади. Оила, турли жамоат ташкилотлари, фан-техника, адабиёт, санъат, оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидения, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам тарбияга кучли таъсир кўрсатади.

Болага аввал таълим бериш керакми ёки тарбия бериш керакми деган саволлар юради, эл орасида тарбия иши фарзанд дунёга келиши биланок даршол шафқат туйғусини ўйғотади, дейдилар.

Психологлар тарбиявий иш методларининг технологик асосларини ишлаб чиқаётганларида, тарбиянинг уни башолаб бўлмайди, деган фикрга асосландилар. Бу методлар қўлланилаётганда, биринчидан, тарбияланаётган ўқувчининг ё шва индивидуал хусусиятларини, иккинчидан, шу ўқувчи аъзо бўлган болалар коллективининг хусусиятларини, нишоят, тарбиявий таъсир кўрсатиладиган муайян аниқ шароитларни шисобга олиш зарур.

Тарбия методи деб тарбиячи, мураббийнинг тарбияланувчиларида онглилик, иймон, эътиқод ва инсоний шулқ-атвор қоида нормаларини шакллантириш мақсадида уларга педагогик ва психологик таъсир кўрсатиш усулига айтилади.

Шахснинг ижобий йўналиши таркиб топтириш учун мактаб ўқувчисининг барча вазият ва шолатларда тўғри йўл тутишини исташи

щамда тўғри йўл тутиши учун унинг нима қилишини билиши, ўзи шурмат қиладиган кишиларнинг нима қилаётганларини кўриши ва ўзи щам тўғри шулқ-атворли бўлишини машқ қилиши зарур.

Психологик тадқиқотларда шу нарса аниқланганки, ащлоқий тушунчаларни ўзлаштириш жуда мураккаб жараён бўлиб, унга махсус рашбарлик қилиши талаб этилади. Бу ишларни амалга ошириш учун кўйидагиларга амал қилиш керак, эътибор бериш керак.

Ишонтириш тарбия методи сифатида: Ўқувчилар ащлоқини, дунеқарашини шакллантиришда ишонтириш асосий методлардан бири щисобланади. Ишонтириш асосий методлардан бири щисобланади. Ишонтириш орқали ўқитувчи ўқувчиларда щар томонлама комплекс тарбияни амалга оширади. Ўқитувчи томонидан, Президентимизнинг олиб бораётган ташқи ва ички сиёсати-иқтисодий ривожланишининг Республикамизга хос тамойиллари, бозор иқтисодиётига ўтишнинг йўллари тушунтирилганида ўқувчилар, талабалар келажакда республикамиз щаётига ўзларининг шахсий иштирокчилигини чуқур сезадилар ва шунга яраша билим, кўникмаларни эгаллашга щаракат қиладилар.

Ижобий шахсий намуна тарбия методи сифатида. Шахснинг ривожланишида турли таъсирлар, ўқув жараёни ва бошқа воситалардан ташқарии тарбиянинг шахсий намунаси катта ащамиятга эга. Болалар балоғат ёшига етиб, мустақил щаётни бошлагунларига қадар кўпчилик шароитларда билиш, ўрганиш жараёнида асосан ўқувчига ота-она, кўни-кўшнига, дoston, драма қашрамонларига тақлид қилишади.

Машқ тарбия методи сифатида-яхши, ижобий одатларга ўргатишда ащлоқий кўникмаларни щосил қилишда машқ методининг ащамияти катта. Бунда ўқувчи маълум бир фаолият бўйича бирон-бир вазиятда айрим щаракатларни такроран бажаради. Машқ щаракатларини такрорлаш бўлиб, ащлоқий кўникма, малака ва одат щосил қилиш мақсадида ўқувчиларнинг махсус уюштирган фаолиятида

Рағбатлантириш ва жазолаш тарбия методи сифатида. Интизомлилиқни шакллантиришнинг классик методларидан бири рағбатлантириш ва жазолаш методи щисобланади.

Тарбиядаги рағбатлантиш ва жазолаш методи ўқувчилардаги ижобий хислатларини ривожлантиришдаги уларнинг ижобий фазилатларини такомиллаштиришда восита бўлмоғи лозим. Рағбатлантиришнинг ёзма, оғзаки ёки имо-ишоравий шакллари қўлланилади. Имо-ишоралар билан бошни қимирлатиб, табассум ва юз-кўл щаракатлари билан маъқуллаш, «баракалла», «кўп яша», «ращмат», ва щакозолар. Рағбатлантиришнинг яъна бир тури мукофотлашдилар.

Тарбия жараёнида **жазолаш** щам катта ащамиятга эга. Мактабда жазо чоралари ўқитувчилар ва мактаб маъмуриятининг оғзаки танбеши, синф ўқувчиларининг ўртасида огощлантириш, уй вазифасини бажартириш учун дарсдан кейин олиб қолиш чоралари кўрилади.

Тарбиячининг, ўқитувчининг **шахсий-намунаси** ўқувчилар шахсини таркиб топтиришда муштим ащамиятга эга.

Мақуллаш ва қоралаш, рағбатлантириш ҳамда жазолаш ўқувчининг шулқ-атворини бошқариш ва тузатишнинг шақиқий воситасидир. Маъқуллаш, рағбатлантириш шатти-щаракатларнинг тўғри мотивлари ва формаларини мустақкамлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. +оралаш, жазолаш шатти-щаракатлардаги салбий кўзғалишларни ҳамда нотўғри формаларни тормозлаб туриш воситасидир.

Ақлий тарбия. Мустақиллик ўқувчи шахсининг шар томонлама таракқий этиши учун зарур бўлган барча имкониятларни вужудга келтиради. Ўқувчиларни мустақил Республикамиз, Ватанимизга садоқат рушида тарбиялаш иши дастлаб фан асослари билан қуроллантириш йўли билан бориши лозим.

Эстетик тарбия. Эстетик тарбия дунёни билишга санъат асарларини ўрганиш орқали олиб борилади. Санъат асарларида кишилик жамиятининг ғоявий катта тажрибаси акс эттирилган. Шунинг учун энг яхши санъат асарларидан фойдаланиб, болаларни, образлар орқали, фикрларш йўли билан воқеликни тушунига ўргатиш, уларнинг эмоциясга таъсир қилиш, истиқлол ғояси, мафқурасини амалга ошириш учун бўлаётган актив курашга уларни рағбатлантириш зарур. Эстетик тарбия болаларни санъатнинг бирор тармоғидаги турли ижодий ишларни бошқаришга жалб этиб, уларнинг шис-туйғуларини бойитиб, шаёлини ва ижодий қобилиятини ривожлантиришда катта роль ўйнайди. Эстетик тарбия болаларда табиатдаги гўзалликлардан лаззат ола билиш ҳамда мецнатни ва кундалик маиший турмушни, шу жумладан бўш вақтни янада гўзалроқ ўтказиш қобилиятини ўстиришга қаратилган.

Мецнат тарбия. Мецнат кишининг ва кишилик жамиятининг энг зарур яшаш шартидир. Мецнат ва мецнат фаолияти бўлмаганда, одамнинг ўзи ҳам бўлмаган бўлур эди, мецнат тарбияси вазифасига кишини ўз-ўзига хизмат қилишнинг биринчи кўникмалари болаликдан бошланади. Юқорида қайд этилган инсон тарбиясининг таркибий қисмлари дарсда, дарсдан ташқари тадбирларни амалга ошириш орқали бажарилади.

Жинсий тарбия. Умуминсоний тарбиянинг энг мушим таркибий қисмларидан бири жинсий тарбия шисобланади. Ўсмирлик даври инсонни болаликдан-ёшликка ва бошқа даврларда ўзининг кескинроқ, мураккаброк кечиши билан фарқ қилади. Бу давр психологик-педагогик адабиётларда «ўқитиш даври», «оғир давр», «инқироз даври» каби иборалар билан аталади. Бу даврларда ўсмирларга назоратни кучайтириш керак. Ота-оналар, ўқитувчилар, тарбиячилар, шифокорлар томонидан турли-туман чоратадбирларни амалга ошириш орқали жинсий тарбия берилади.

Ўсмирлик ёшидан бошлаб тарбиянинг янги омили ўз-ўзини тарбиялаш вужудга келади. Ўқувчилар ўзларини ижтимоий-қимматга эга бўлган шахс хислатларини таркиб топтириш соцасида шулқ-атвордаги камчиликларга салбий хислат ва сифатларга баршам бериш соцасида онгли равишда мунтазам ишлай бошлайдилар. Одам юксак даражада ўз-ўзини идора қилувчи, ўз-ўзини камол топтирувчи бирдан-бир тизимдир.

Ўқитувчи, тарбиячи ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялашига ращбарлик қилишда тўртта вазифани кўзда тутиши керак.

Биринчидан, ўқувчида ўзида шахснинг ижобий хислатларини таракқий этиришга ва ўз шулқ-атворидаги ёмон томонлардан холос бўлишга интилиш истагини уйғотишдир.

Иккинчидан, ўқувчига ўз шасхига танқидий муносабатда бўлишда ўз шулқ-атворидаги хусусиятларини диққат билан одилонга тушуниб олишда, ўз камчиликларини яққол кўришда, ўз нуқсонларини фащимлаб ёрдамлашишдан иборат.

Учинчидан, ўқитувчи, тарбиячи ўз-ўзини тарбиялаш дастурини тузишда, шахс шулқ-атвори хислатининг хусусиятларини (м; ўзини тута билиш; қатъийлик, мардлик ва ҳак.)

Тўртинчидан, ўқитувчи, тарбиячи ўз-ўзини тарбиялашнинг оқилонга йўлларини кўрсатиб берадилар, ўқувчини шахснинг ижобий хислатларини таркиб топтириш ва камчиликларга барщам беришга оид мақсадга мувофик ва самарали ишлаш усуллари билан қуроллантирадилар.

«**Тарбияси қийин**» болалар педагогик қаровсизлик натижасидир. Л.С.Виготский фикрича, «қийин» ўсмир щайти муносабатлар характерининг натижасидир.

Булар аввало қайсар, инжиқ болалар, уларни қизиқарли фаолият турига тортиш уларни тарбиялашнинг асосий усулларидан биридир.

Уларнинг маълум бир қисми интизомсиз, қўпол болалардир. Уларнинг активлигини мақсадга мувофик ўзгартириш, уларга баъзи щуқуқларни бериш йўли билан уларга таъсир ўтказиш мумкин. Психологияда «**тарбияси қийин**» болаларнинг бир қанча классификациялари мавжуд.

Биринчи гурущ-ижтимоий салбий мустацкам қарашлари эга болалар;

Иккинчи гурущ-қонунбузарларга тақлид қилувчилар.

Учинчи гурущ-ижобий ва салбий шулқ-атвор стеритиплари ўртасида иккиланувчи, ўз хатоларини тушунувчи болалардир.

Тўртинчи гурущ-иродали болаларга бўйсунувчилар

Бешинчи гурущ-қонунбузарлик йўлиган тасодифан кириб қолганлар.

Шуни айтиш лозимки, тарбияси оғир болалар учун улар яшаётган муцит, оила, улар ўқиётган жамоа синфнинг роли жуда каттадир.

«**Тарбияси қийин**» болалар педагогик қаровсизлик натижасидир. Л.С.Вўготский фикрига «қийин» ўсмир щайти муносабатлар характерининг натижасидир.

Булар аввало қайсар, интиқ болалар, уларни қизиқарли фаолият турига тортиш уларни тарбиялашнинг асосий усулларидан биридир.

Мустақиллик шароитида тарбиянинг асосий вазифалари.

Конфуций; «Эскини ўзлаштириш ва янгини тушунишга қодир инсонгина тарбиячи бўла олади» деган эди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқийесида таълим-тарбия, илм-фан, касб-щунарга ўргатиш сощаларини ислощ қилишга нищоятда катта зарурат сезила бошлади. Бугунги кунда тарбия жараёнида щам қатор ўзгаришлар

амалга оширилмоқда. Шунингдек таъкидлаш лозимки, маърифат шалқимиз, миллатимиз қонидадир. Анаъанавий шарқона қарашга кўра, маърифатлилик фақат билим ва малака эмас, айни пайтда чуқур маънавият ва гўзал ашқоқ дегани шамдир.

Бир ижтимоий жамиятнинг иккинчисига алмашилиши, шунингдек, миллий мустақиллик ва унинг неъматлари республикамиз фуқароларида туб ўзгаришларни вужудга келтирмоқда. Миллий туйғу, қиёфа, характер, таъб, куй, рақс, маънавият, қадрият шамда руцият таъсири остида ўзининг туб моштиятини акс эттира бошлади. Ўтмишнинг бой мероси, унинг анъаналари миллий истиқлол туфайли ўз эгаларига қайтариб берилди. Фуқароларнинг ижтимоий онги аста-секин ўзгариб бориши натижасида этнопсихологик хусусиятлар тиклана бошлади, миллий, умумбашарийлик хислатлари ўртасида адолатлилик, тенг шуқулилик алоқалари ўрнатилмоқда.

XXI асрда шахс шаклланишида, унинг тарбияланганлик даражасини орттиришда диннинг, хусусан «Шадис» илмининг ашамияти каттадир. Шахслараро муносабатда тенглик, ғамхўрлик, самимийлик, ўзаро ёрдам, симпатия, антипатия, шамдардлик, севги-мушаббат сингари миллий хусусиятларини таркиб топтиришда шадисларнинг роли янада ортмоқда.

Ўзбек оиласида тарбия моштияти, мазмуни тарбиянинг кундалик ва истиқлол режаси, болаларга таъсир ўтказиш воситасини танлаш ва ундан унумли фойдаланиш ўзига хос хусусиятга эга, чунки унинг асосида шалқ аъаналари ётади.

Ўзбек шалқининг этнопсихологик хусусиятларидан унумли фойдаланиш шар томонлама тараққий этган инсон шахсини таркиб топтиришда муштим рол ўйнайди. Абдулла Авлоний айтганидек: «Тарбия биз учун ё шадёт, ё мамот, ё нажот, ё шалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир».

Ёш авлод тарбиясида миллий руцият, умуминсоний, шалқчил миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар етакчи ўрин тутмоғи лозим (тарбия этнопсихологик ва этнопедагогик муносабат). Булар орқали ёшларда куйидаги фазилатларни тарбиялаш лозим:

- а) ёшларда ватанпарварлик шис-туйғуларини шакллантириш;
- б) хайрихошлик, одамларга шурмат, мешр-шафқат;
- в) катталарни шурмат қилиш, эъзозлаш;
- г) мулойимлик;
- д) ишбилармонлик, моширлик, ишчанлик, иқтисодий тафаккур;
- е) кичик ёшдан мешнатсеварлик
- ж) жисмоний бақувватлик;
- з) ашқоқ-одобилик;
- и) оилапарварлик;
- к) аёлларга шурмат
- л) ўзаро шамкорликка интилувчанлик.

Маълумки, ёшларнинг маънавий-ашқоқий тарбияси билан оила, мащалла, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, шуқуқни музофаза қилувчи ташкилотлар, илмий-педагогик кадрлар шуғулланадилар.

Тарбия жараёни барча иштирокчиларининг бащамжихатлик билан олиб борадиган ишларигина ўзининг ижобий натижаларини бериши мумкин.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга ошириш вазифалари ана шуни тақозо қилади.

10-мавзу: Ўқитувчи психологияси

Ўқитувчининг ўрни ва унинг вазифалари, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ишига жамият ва жамоатчилик томонидан эътибор қаратилишининг нақадар муҳим аҳамиятга эгаллиги аниқланади. Мамалакатимизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни шайтга татбиқ этиш жараёнида ўқитувчининг ёш авлодга таълим ва тарбия беришида жамият олдида жавобгарлиги янада ортиб бораверади.

Шозирги шароитда жамиятнинг мактаб олдида қўяётган талаблари кун сайин ортиб бормоқда ва бу талабларни амалда тўғри шал қилиш вазифаси ўқитувчига боғлиқдир.

Замонавий мактаб ўқитувчиси қатор вазифаларни бажаради. Ўқитувчи-синфдаги ўқув жараёни ташкилотчисидир. Ўқитувчи ўқувчилар учун дарс пайтида, қўшимча дарсларда ва шу билан бирга дарсдан ташқари шолларда шам керакли маслашатлар беришда билимлар манбаидан биридир. Кўпчилик ўқитувчилар синф рашбари вазифасини бажариб, тарбия жараёни ташкилотчилари бўлиб шисобланадилар.

Замонавий ўқитувчи ижтимоий психолог бўлмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун шам ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни йўлга сола олиши, болалар жамоасида ижтимоий-психологик механизмлардан фойдаланишни билиши зарурдир.

Ўқитувчи мактабнинг педагог жамоа аъзоси сифатида мактаб шайти фаолиятини уюштиришда бевосита иштирок этиб, турли фан ўқитувчилари ва синф рашбарларининг методик бирлашмаларида ишлайди, топшириқларни бажаради. Шар бир ўқитувчи ўқувчиларнинг ота-оналари ва жамоатчилик олдида маърузалар ўқиб, сушбатлар олиб борар экан, демак, у педагогик билимлар тарғиботчиси шамдир. Вазифаларнинг шу қадар кўплиги учун шам жамиятнинг ўқитувчилар олдида қўядиган талаблари тушунарлидир.

Маълумки, педагогик фаолият-киши мецнатининг энг мураккаб сошаларидан биридир.

Жамият томонидан қўйиладиган талаблардан энг муҳими ўқитувчининг шакси ва унинг касби билан боғлиқ хислатларига қаратилган.

Ўқитувчининг энг муҳим хислатлари қуйидагилардан иборат:

-ўқитувчининг ўз Ватанига содиқлиги, болаларни севиш, уларни инслнпарварлик рушида тарбиялаш истаги, ўз юрти, она тили, ўз шалқининг тарихи ва унинг маданиятини севиши, давлатининг мустақиллиги ғоясида яшашидан ибратдир;

-ижтимоий жавобгарликни юксак даражада шис этиши;

-олижаноблиги, ақли, фаросати, маънавий поклиги, маънавий ва маърифат бўйича юксак мақсадларни болаларга сингдириб бориши;

-ўзини қўлга ола билиши, сабр-тоқатли, бардам, матонатлилигидир.

Жамиятнинг ўқитувчи олдига қўядиган асосий талаблари куйидагилардир:

-шахсни маънавий ва маърифий томонидан табиёлашнинг, миллий уйғониш мафкурасининг шамда умуминсоний бойликларнинг мошьятини билиши, болаларни мушакиллик ғояларига содиқлик рушида тарбиялаши, ўз Ватани табиатига ва оиласига бўлган мушакббати;

-кенг билимга эга бўлиши, турли билимлардан хабардор бўлиши;

-ёш ва педагогик психология, ижтимоий психология ва педагогика, ёш физиологияси шамда мактаб гигиенасидан чуқур бибилимларга эга бўлиши;

-ўзи дарс берадиган фан бўйича мушаккам билимга эга бўлиб, ўз касби, сошаси бўйча жашон фанида эришилган янги ютуқ ва камчиликлардан хабардор бўлиши;

-таълим ва тарбия методикасини эгаллаши;

-болаларни билиши, уларнинг ички дунёсини тушуна олиши;

-педагогик техника (мантик, нутқ, таълимнинг ифодали воситалари) ва педагогик тактга эга бўлиши;

-ўз билими ва педагогик мащоратини доимий равишда ошириб бориши.

Щар бир ўқитувчи ана шу талабларга тўла жавоб бера оладиган бўлишига интилиши шарт.

Ўқитувчи жамият томонидан қўйилган талаблар билан бир қаторда шамкасблари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ундан нималарни кутишини шам эсдан чиқармаслиги лозим. Психологлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича шалқ таълими бўлимлари ва мактаб директорлари ўқитувчининг айрим хислатлари нақадар мушакмилигини шар хил бащолайдилар. Жумладан, шалқ таълими булимларининг мудирлари ўқитувчидан биринчи навбатда ўз фанини яхши билишини ва дарс бериш методикасини мукамал ўзлаштирилишини талаб қилсалар мактаб директорлари ўқитувчига қўйиладиган бундай талабларни учинчи ўринга қўядилар. Шу билан бирга шалқ таълими бўлимларининг мудирлари ўқитувчиларнинг ўқувчилар ва ота-оналар, мактаб жамоаси билан қандай мулоқотда эътибор бермайдилар, актаб директории эса бундай хислатларни ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар ичида биринчи ўринга қўядилар.

Ўқитувчининг касбига хос хислатлари

Ота-оналар ўқитувчидан унинг иш стажии ва ёши қандай бўлишидан қатъий назар, фарзандларини тарбиялаш ва ўқитиш мащоратини кутадилар. Ўқувчилар эса ўқитувчиларни уч хил хислатлари бўйича характерлаб берадилар. Жумладан, биринчидан, ўқитувчининг одамгарчилиги, адолатлилиги, соф виждонлилиги, болаларни яхши кўриш хислатлари; иккинчидан, ўқитувчининг сезгирлиги, талабчанлиги билан боғлиқ ташқи

хислатлари ва шулқ-атвориға қараб; учинчидан, ўқитувчининг ўз фанини билиши, уни тушунтира билиши каби таълим жараёни билан боғлиқ хислатларига қараб характерлаб берадилар.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга қўйиладиган талаблар билан бирга, ўқитувчи шахси ва унинг фаолиятига нисбатан қўйиладиган ижтимоий талаблар шам ўсиб бормоқда.

Ўқитувчилар жамият томонидан қўйиладиган талаблар, турли хилда ижтимоий кутишлар, педагогнинг индивидуаллиги, унинг шу тариқа талабларга жавоб беришга субъектив тайёрлиги муайян ўқитувчининг педагогик фаолиятига нақадар тайёрлигидан далолат беради.

Шунисини мушцимки, заонавий ўқитувчи учун зарур бўлган шахсий хислатларни батафсил кўриб чиқиш керак. Бу қандай хислатлар экан?

Кўпчилик психологлар шу билан бирга Ўзбекистонлик психолог олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар замонавий ўқитувчилар учун энг зарур хислатларни аниқлаб олиш имкониятини беради.

Россия психологларидан Н.В.Кузьмина, В.Сластенин, Ф.Н.Гоноболдин, Ўзбекистонлик психологлардан Р.З.Гайнутдинов, М.Г.Давлетшин, С.Жалилова, А.Жабборов, М.+опланова ва бошқалар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқотлар ўқитувчилик касбининг профессиограммасини яратилишига асос бўлган. Профессиограмма психологик нуқтаи-назардан ишлаб чиқариш фаолияти характеристикаси (аниқ бирорта касб-бўйича келгуси амалий ишлар учун зарур бўлган мазмундаги барча томонларини ўз ичига олиши керак) устида боради.

Ўқитувчи профессиограммаси муайян фан томонидан ўқитувчига қўйиладиган махсус талабларни ўз ичига қамраб олиши лозим.

Психологик тадқиқот ишларини олиб борган М.Абдуллажонова, Е.Гладкова, А.Машкуров, Т.Щамроқулов, Э.Хидиров ва бошқаларнинг илмий изланишлари ўзбек тили ва адабиёти, ўзбек мактабларида рус тили ва адабиёти, математика, жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мактабгача тарбия муассасаларининг тарбиячилари каби қатор мутахассисликлар бўйича ўқитувчи профессиограммасининг тахминий моделини (намунасини) аниқлаб олиш имкониятини берди.

Шар бир мутахассислик бўйича ўқитувчининг ихтисослашган характеристикасини назарда тутган профессиограммаси тузилади. Жумладан, мактабнинг ўқитувчи-мураббийси профессиограммасини мисол қилиб келтирамиз. Профессиограммада мушцим хислатларидан борган сари бирмунча ортиб боришини шисобга олган шолда ўқитувчининг қуйидаги хислатлари кўрсатиб бериши лозим.

1. Ўқитувчининг шахсий хислатлари:

- болаларни яхши кўриши, уларни севиш;
- амалий-психологик ақл-фаросатлилик;
- мешнатсеварлик;
- жамоат ишларида фаоллик;
- мешрибонлик;
- камтарлик;

- одамийлик, дилкашлик;
- уддабуронлик, мустацкам харатерга эга бўлиш;
- ўз билимини оширишга интилиш.

2). Касбий хос билими:

- таълим ва тарбия жараёни мощияти билан унинг мақсад ва вазифаларини тушуниши;
- психология асослари, ёш психологияси ва педагогик психология асосларини билиши;
- этнопсихологик билимларн эгаллаш;
- щозирги замон педагогикаси асосларини билиши;
- щозирги замон педагогикасининг методологик асосларини эгаллаганлиги;
- мактаб ёшида болаларнинг психологик-педагогик хусусиятларини тушунишиши;
- ўз фанини ўқитиш методикасини билиши;
- ўқувчиларга тарбиявий таъсир этишнинг самарадорлигини билиши;
- ота-оналар ва жамоатчилик билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмунини билиши.

3) Ўз касбига хос хислатлари

- миллий қайта қуриш мафқураси билан мустақил давлат мафқурасини тушуниши;
- замонавий мактабда олиб бориладиган ўқув-тарбия жараёнида умуминсоний бойликлар, миллий анъаналар ва урф-одатларнинг ащамиятини тушуниши;
- ўқитувчининг кузатувчанлиги;
- ўз диққат-эътиборини тақсимлай олиши:
- педагогик фантазия (щажёл) нинг ривожланиши;
- ўзига танқидий муносабатда бўлиши;
- ўзини қўлга ола билиши, ўзини тута олиши;
- педагогик такт;
- нутқнинг эмоционал ифодаланиши.

4) Шахсий-педагогик уддабуронлиги:

- дарс машғулотлари учун зарур материалларни танлай билиши;
- ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқара олиши;
- таълим ва тарбия жараёнида ўқувчилар онгининг тараққий этиб боришини истиқболли равишда режалаштира олиши;
- педагогик вазифаларни шакллантириш ва табиявий ишларни режалаштиришни билиши:
- болалар жамоасига ращбарлик қилишда ўз фаолиятини режалаштиришни билиши;
- ўқув мақсадларини режалаштира олиши;

-ўзининг таълим-тарбия ишларига тайёрланиш тизимини режалаштира олиши.

5) ташкилотчилик малакалари:

-болалар жамоасини уюштира билиши;
-турли шароитларда болалар жамоасини бошқара олиши;
-болаларни бирор нарсага қизиқтириб, уларни фаоллаштира олиши;
-амалий масалаларни шал этишда ўзининг билим ва тажрибаларини усталик билан тез қўллаш олиши.

6) коммуникатив малакалари:

-болаларни ўзига жалб этишни билиши;
-болалар ва ота-оналар билан мақсадга мувофиқ педагогик муносабатларни тиклашни билиши;
-болаларнинг жамоалараро ва жамоа ичида ўзаро муносабатларни тартибга солишни билиши;
-болалар ва ота-оналар билан ташқаридан алоқа боғлашни билиши.

7) Гностик малакалар

-болаларнинг асаб-психик тараққиёти даражасини аниқлай билиши;
-ўзининг тажрибаси ва педагогик натижаларини танқидий таҳлил қила олиши;
-бошқа ўқитувчиларнинг тажрибаларини ўрганиб, ундан (назарий ва амалий томондан) тўғри хулоса чиқара олиши;
-психологик ва педагогик адабиётлардан фойдаланишни билиши;
-ўқувчиларни тўғри тушуниб, уларнинг шулқ-атвор сабабларини тушунтиришни билиши.

8) Ижодий хислатлари:

-педагогик мащоратни такомиллаштиришга интилиши;
-ўқувчиларни тарбиялаш дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш қобилияти;
-ўзини ўқувчи ўрнига қўйиб, бўлиб ўтган шодисаларга унинг назари билан қарай олиши;
-аввалги воқеалар, шодисалар ва тарбияланувчи шахсига янгича қарай олиш қобилияти;
-ўзининг ўқувчига педагогик таъсири натижаларини олдиндан кўра билишга интилиши.

Шундай қилиб, кўрсатиб ўтилган моделнинг асосий тузилиши тарихида қуйидагилар келтирилади;

-шахснинг жамоатчилик ва касбий йўналиши;

- педагогик мащорат ва қобилияти;
- характерининг психологик хусусиятлари;
- билиш фаолияти;
- ўқитувчи шахсининг болаларни касбга тайёрлаш ишлари даражасидаги умумий тараққиёти.

Профессиограммани касбга хос равишда ўқитишни ташкил қилишда таълимнинг самарадорлиги ва унинг муваффақияти қандай билим ва кўникмаларга, айниқса, шахсининг қандай қобилият ва шахсий хислатларига боғлиқ эканлигини албатта кўрсатиш зарурдир.

Педагогик қобилиятлар

+обилият-бу кишининг бирор фаолиятга яроқлилиги ва шу фаолиятни амалга оширишидир.

Педагогик қобилият-бу қобилият турларидан бири бўлиб, кишининг педагогик фаолиятга яроқлилигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шуғуллана олишини аниқлаб беради. Педагогик қобилиятнинг тузилиши қандай? қуйида бу масалани кўриб чиқамиз.

Узоқ йиллар олиб борилган тадқиқотлар, педагогик қобилиятлар, мураккаб ва кўпқиррали психологик билимлардан иборатлигини кўрсатиб берди. Ана шу тадқиқот маълумотларидан фойдаланиб, педагогик қобилиятлар тузилишида мушмим ўрин эгаллайдиган қатор компонентларни (таркибий қисмлар) ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Дидактик қобилиятлар-бу болаларга ўқув материалларни аниқ ва равшан тушунтириб, осон қилиб етказиб бериш, болаларга фанга қизиқиш уйғотиб, уларда мустақил фаол фикрлашни уйғота оладиган қобилиятлардир.

Дидактик қобилиятларга эга бўлган ўқитувчи зарурат туғилганда қийин ўқув материални осонроқ, мураккаброғини соддароқ, тушуниши қийин бўлганини тушунарлироқ қилиб ўқувчиларга мослаштириб бера олади. Ўқитувчининг мана шу хислатларини билиб олган ўқувчилар одатда: «ўқитувчининг энг мушмим томони шам унинг шамма нарсани аниқ ва тушунарли қилиб беришида-да. Бундай ўқитувчининг кўлида мазза қилиб ўқигинг келади»; «Униси эса шеч нарсага ярамайдиган ўқитувчи, шеч шам аниқ тушунтириб бера олмас эди»; «ўқув материални олдида тирик одамлар эмас, балки қандайдир механизмлар бордек, зерикарли ва ноаниқ мужмал қилиб тушунтиради. Биз бундай ўқитувчиларни ёқтирмаймиз»-дейдилар.

Кўпчилик ўқитувчиларга, айниқса хафсаласиз ўқитувчиларга, ўқув материалли оддийгина ва шеч қандай алошида тушунтириш шамда изош беришни талаб қилмайдигандек туюлади.

Бундай ўқитувчилар ўқувчиларни эмас, балки биринчи холда ўзларини назарда тутиб иш олиб борадилар. Шунинг учун шам ўқув материаллини ўзига қараб танлайдилар.

2. Академик қобилиятлар-математика, физика, биология, она-тили, адабиёт, тарих ва бошқа шу каби фанлар сошасига хос қобилиятлардир.

+обилиятли ўқитувчи ўз фанини фақат шажмидагина эмас, балки атрофлича, кенг, чуқур билиб, бу сошда эришилган ютуқлар ва кашфиётларни доимий равишда кузата бориб, ўқув материаллини мутлақо эркин эгаллаб, унга катта қизиқиш билан қарайди шамда озгина бўлсада тадқиқот ишларини олиб боради.

Кўпчилик тажрибали педагогларнинг айтишларича, ўқитувчи ўз фани бўйича бундай юксак билим савиясига эришиш, бошқаларни қойил қилиб шайратда қолдириш, ўқувчиларда катта қизиқиш уйғота олиш учун у юксак маданиятли, шар томонлама мазмунли, кенг эрудицияли (билимдон) одам бўлмоғи лозим.

3.Перцептив қобилиятлар-бу ўқувчининг, тарбияланувчининг ички дунёсига кира билиш, психологик кузатувчанлик, ўқувчи шахсининг вақтинчалик психик шолатлари билан боғлиқ нозик томонларини тушуна билишдан иборат қобилиятдир.

4. Нутқ қобилияти-кишининг ўз шис туйғуларини нутқ ёрдамида, шу билан бирга мимика ва пантомимика ёрдамида аниқ ва равшан қилиб ифодалаб бериш қобилиятидир. Бу ўқитувчидан ўқувчиларга узатиладиган ахборот, асосан, иккинчи сигнал тизими-нутқ орқали берилади. Бунда мазмун жишатидан унинг ички ва ташқи хусусиятлари назарда тутилади.

Дарсда қобилиятли ўқитувчининг нутқи шамма вақт ўқувчиларга қаратилган бўлади. Ўқитувчи янги материални тушунтирадим, ўқувчилар жавобини шаршлаб берадим, хуллас нима қилишидан қатъий назар, нутқи шамма вақт ўзининг ишончилиги жозибадорлиги, каби ички қувват билан алошида ажралиб туриши лозим.

Шошқалоқ нутқ билим ўзлаштиришга шалақит бериб болаларни тез толиқтиради. Ўта секин нутқ ланжлик ва зерикишга олиб келади.

Нутқи, имо-ишоралар турли кескин шаракатлар ўқувчиларни жонлантиради.

5. Ташкилотчилик қобилияти-бу биринчидан, ўқувчилар жамоасини уюштира билиш, бунда жамоани жипслаштира олиш ва иккинчидан,

Ўзининг шахсий ишини тўғри ташкил қила олиш қобилиятидир. Ўқувчилар ўз ўқитувчилари шақида турлича фикрда бўладилар.

Ўқитувчининг ўз ишини ташкил қила билиши деганда, унинг ўз ишини тўғри режалаштириб, уни назорат қила олиши назарда тутилади. Тажрибали ўқитувчиларда вақтга нисбатан ўзига хос сезувчанлик-ишини вақт бўйича тўғри таксимлаб, мўлжалланган вақтдан тўғри фойдалана олиш кўникмаси пайдо бўлади.

6. Авторитар қобилияти-бу ўқувчиларга бевосита эмоционал-иродавий таъсир этиб, уларда обрў орттира билишдан иборат қобилиятидир.

Авторитар қобилият ўқитувчининг ростгўйлиги, иродавий уддабуронлиги, ўзини тута билиши, фаросатлилиги, талабчанлиги каби иродавий хислатлари шамда қатор шахсий хислатларга, шу билан бирга ўқувчиларни таълим-тарбиясида жавобгарликни шис этиш, унинг эътиқоди, ўқувчиларга маънавий ва маърифий эътиқодни сингдира олганлигига ишончи каби хислатларга шам боғлиқдир.

7. Коммуникатив қобилият-бу болалар билан мулоқотда бўлишга, ўқувчиларга ёндошиш учун тўғри йўл топа билишга улар билан педагогик нуқтаи-назардан мақсадга мувофиқ ўзаро алоқа боғлашга педагогик тактнинг мавжудлигига қаратилган қобилиятдир.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Yosh davrlari va pedagogik psixologiya. M. Davletshin. T, 2004;
2. Yosh davrlari psixologiyasi. E.G`oziev. T, 1994;
3. Yosh psixologiyasi va pedagogik psixologiyadan praktikum. A.I. Sherbakov T, 1991;
4. Zamonaviy maktab o`qituvchisi. M.G. Davletshin. T, 1998;
5. Formanirovaniye lichnosti v detskom vozraste. M; 1968;
6. Oliy maktab psixologiyasi. E.G`oziev. T, «O`qituvchi», 1997.

